



2023: Special Issue "Problems and Prospects for the Development of Accounting, Economic Analysis and Audit Based on International Standards in the Conditions of Economy Digitalization"

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИДА СУҒУРТА ХИЗМАТИНИНГ ЎРНИ

Адилова Ю.Ш.

ҚарМИИ 2-курс магистранти

Аннотация

Мақолада Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини инновацион ривожлантириш жараёнида олинган натижалар, соҳада яратилаётган имкониятлар, тадбиркорлар мол-мулки, юклари ва воситаларини суғурталашнинг давлат томонидан кафолатли жиҳатлари тўғрисида фикрлар баён этилган.

Калит сўзлар: Тадбиркорлик, инновация, суғурталаш, мол-мулк, юк суғуртаси, суғурта полиси, суғурта мукофоти, экспорт, импорт, суғурта шартномаси

Кириш

Халқаро иқтисодий муносабатларнинг глобал ривожланиш жараёнида анъанавий ва энг ривожланган кўринишларидан бири ташқи савдо ҳисобланади. Ҳар бир мамлакатда ташқи савдо ва халқаро савдонинг ривожланиши қонуниятлар асосида олиб борилмоқда.

Дунёда товар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш жараёни инновацион ривожланиш асосида тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитининг яратилишига боғлиқ бўлиб, рўй бераётган халқаро иқтисодий муносабатлар умумий ҳажмининг 75-80%и ташқи савдонинг улушига тўғри келади.

Асосий қисм

Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар иқтисодиётнинг барча тармоқларида амалга оширилаётган институционал ўзгаришлар билан бевосита боғлиқ.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар халқимизнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш, ёшларнинг бандлигини ошириш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кенг имкониятлар яратди. Ҳозирги кунда жаҳон интеграциялашуви ва глобаллашуви шароитида мамлакатда тадбиркорликни ривожлантиришга инновацияларни жалб этишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек: “..... тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш бўйича янада қулай шароитлар яратилади. Бир нарсани алоҳида таъкидлаш керак, пандемия даврида иқтисодиётнинг барқарор ишлаши учун тадбиркорлар давлат билан теппа-тенг ҳисса

қўшдилар. Шунинг учун барчамиз тадбиркорларга елкадош бўлиб, уларни доимо қўллаб-қувватлашимиз шарт. Бу борада ишбилармонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, айниқса, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш – барча даражадаги давлат органларининг асосий вазифаси бўлиши лозим. Тадбиркорларга янада қулайлик яратиш мақсадида 105 та лицензия ва рухсатнома турлари бекор қилинади, 115 таси бўйича эса тартиб-қоидалар содалаштирилади”¹ деб таъкидлаган эдилар.

Сўнгги 4 йилда иқтисодийимизнинг барча жабҳаларига бозор механизмларини жорий этиш борасида жиддий қадамлар ташланди. Эндиги вазифа - чуқур таркибий ислохотлар орқали узок муддатли барқарор ўсишнинг пойдеворини яратишдан иборат.

Амалиётда тадбиркорлик фаолиятидаги хатарларни бошқаришга қаратилган турли хил стратегиялар ишлаб чиқилган, бироқ суғурта тадбиркорликда кўзда тутилмаган йўқотишлардан ҳимоя этишнинг самарали воситаси бўлиб қолмоқда. Суғурта барча турдаги тадбиркорлик фаолиятида синалган механизми эканлиги билан бир қаторда суғурта бозорининг барча иштирокчилари манфаатларини бирлаштиришнинг энг мақбул йўли ҳамдир. Шунинг учун ишбилармонлик соҳасини суғурталашнинг замонавий моделларини ривожлантириш унга инновацион ёндашувни тақозо этади.

Инновацион ривожланиш асосида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорликда инновацияларни қўллашнинг самарадорлигини ошириш йўллари тўғрисида хорижлик ва европа иқтисодчи олимлар ҳамда республикамизнинг етакчи олимларининг илмий фаолиятларида ҳам тадбиркорлик фаолиятини ривожланиши ва инвестицияларнинг самарадорлигини оширишнинг ўзига ҳос жиҳатлари маълум даражада ўрганилган.

Ушбу соҳада тадқиқот методологиясини мамлакатимиз ва хорижий олимларнинг тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва юритишнинг илмий асослари бўйича олиб борган илмий ишларининг натижалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорликни ташкил этиш ва ривожлантиришга оид фармон ва қарорлари ташкил этади. Шу билан бирга, хорижий мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва уни юритишда хатарларни бошқаришнинг ўзига ҳос хусусиятларини ўрганиш, Ўзбекистондаги тадбиркорлар фаолиятини ривожлантиришда уларнинг фойдали жиҳатларини амалиётга киритишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Биринчидан, камбағалликни қисқартириш борасида комплекс ёндашув ва ностандарт усулларни жорий этамиз. Бир ҳақиқатни аниқ тушуниб олишимиз керак - камбағаллик масаласи кредит, ижтимоий нафақа ёки уй бериш билан ўз-ўзидан ҳал бўлиб қолмайди. Бунинг учун таълим, соғлиқни сақлаш, касб-хунарга ўқитиш, ичимлик сув, энергия ва йўл инфратузилмаси билан боғлиқ комплекс муаммоларни ҳал этиб бориш керак.

Нима учун биз “темир дафтар”ни жорий этдик? Бундан мақсад – эҳтиёжманд аҳолини тўғри аниқлаш ва шу асосда, улар билан манзилли ишлашни ташкил этишдир. Келгуси йилдан тўлиқ ишга тушадиган “Ижтимоий реестр”да “темир дафтар”даги барча маълумотлар қамраб олиниб, эҳтиёжманд оилаларга 30 дан зиёд ижтимоий хизматлар электрон шаклда кўрсатилади”².

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т.: 29.12.2020.

²Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т.: 29.12.2020.

“Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболаға бўлмайди.

Инвестиция билан бирга турли соҳа ва тармоқларга, ҳудудларга янги технологиялар, илғор тажрибалар, юксак малакали мутахассислар кириб келади, тадбиркорлик жадал ривожланади”³.

Қашқадарё вилояти Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармасига қарашли иқтисодиёт тармоқлари ва вилоятда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий самарадорлигини оширишда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш тизимларини такомиллаштириш, соҳага инновацияларни киритиш, хорижий инвестициялар жалб этилишини такомиллаштириш, инвестициялар жозибадорлигини ошириш, тадбиркорлик субъектларини замонавий технологиялар билан таъминлаш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тизимини яхшилаш, кадрлар билан таъминлаш ва уларнинг малакасини ошириш, рақобатда иштирок этишнинг иқтисодий ва назарий асослари, хорижий тажрибаларни қўллаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг тизимини ривожлантиришни ўрганиш ҳамда ушбу соҳага оид илмий тадқиқотлар ва ривожланган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларини тадқиқ қилиш асосида соҳани такомиллаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқишга барча имкониятларимизни қаратишимиз зарур.

Бугунги кунда инновацион ривожланиш асосида тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш ҳар бир ҳудуднинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишида асосий механизм бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини суғурталаш мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги “Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг 9-моддасида ушбу соҳа учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган “Тадбиркорлик фаолияти субъектларига кредитлар бериш ва уларни суғурта қилиш” масаласи қонун жиҳатдан атрофлича химояланган.

Қонунда кўрсатилишича тадбиркорлик фаолияти субъектларига кредитлар бериш ва уларни суғурта қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши алоҳида белгиланган. Тадбиркорлик фаолиятининг субъектига кредитлар беришда банк муассасалари, бошқа кредит муассасалари ёки суғурта ташкилотлари ҳамда тўловга қобилиятли юридик ва жисмоний шахслар кафил бўлишлари мумкинлиги белгиланган.

Хулоса

Хулоса ўрнида таъкидлайдиган бўлсак, мажбуриятлар таъминоти сифатида кредит шартномалар бўйича тадбиркорлик фаолиятининг субъекти ўз мол-мулкидан, шу жумладан ашёларидан ва мулкий ҳуқуқларидан фойдаланиши мумкинлиги алоҳида кўрсатилган.

Мамлакатимизда бизнес юритиш шарт-шароитларини янада яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантиришга оид ислоҳотларни изчил давом эттириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш механизмларини кенгайтириш, уларни зарур молиявий ва инфратузилмавий ресурслар билан таъминлаш мақсадида сўнгги 5 йил давомида ҳукумат томонидан қатор қонун ва қарорлар қабул қилинди. Улар асосида тадбиркорларга ер ажратиш, банклар томонидан кредит бериш, асбоб-ускуналарни харид қилишда бир қанча енгилликлар яратилди.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т.: 28.12.2018.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.:Ўзбекистон, 2020.- 40б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 29 июлдаги “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори
4. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг буйруғи, рег. № МЮ 2076-2, “Ижтимоий таъминот муассасалари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” Қабул қилинган сана 06.12.2019.
5. Fayzieva Sh.Sh., Djalilovna N.M., Yuldasheva Sh.A. The main directions of reforms in the livestock sector in the development of the country's economy// TRANS Asian Journal of Marketing & Management Research (TAJMMR). – 2020. – Т. 9. – №. 4. – С. 67-71.
6. Файзиева Ш. Ш. Джалилова НМ РОЛЬ ИННОВАЦИЙ В РАЗВИТИИ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ //Economics. – 2020. – №. 1. – С. 44.
7. Fayzieva, S. S. . The Main Directions and Effectiveness of the Development of Agrocluster Systems In Uzbekistan. JMEE 2022, 2, 149-154.
8. Эргашев Р. Х., Курбонов А. Б., Файзиева Ш. Ш. Совершенствование государственной поддержки малого бизнеса и частного предпринимательства в Узбекистане //Феномен рыночного хозяйства: от истоков до наших дней. Бизнес, инновации, информационные технологии, моделирование. – 2019. – С. 544-554.